Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

2026 йил 1 ноябрь ҳолатига

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сонли, 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сонли фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари вазир ҳузурида ҳамда жума кунлари вазирнинг ижро интизомига масъул ўринбосани ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси танқидий муҳокама қилиб борилмоқда.

2026 йилнинг октябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини 25 октябрга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I–II ва III картотека топшириқлар рўйхати 11 сентябрь куни вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, вазир имзоси билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Жорий йилнинг октябрь ойида вазирлик асосий ижрочи бўлган Давлат раҳбарининг 136 та топшириғидан 135 таси, яъни 99,3 фоизи бажарилган, биттасининг муддатини узайтириш юзасидан Адлия вазирлигига таклиф киритилган, Президент Администрацияси раҳбарининг 57 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 41 та топшириғи ижроси тўлиқ бажарилган.

Шунингдек, 2026 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 206 та, Администрация раҳбарининг 44 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 34 та топшириғи назоратга олинган.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими